

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**322 «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси
тузилмасини ва фаолиятини янада такомиллаштириш
тўғрисида**

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш ва ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 12 январдаги ПҚ–1260-сон ҳамда «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва ходимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 20 декабрдаги ПҚ–1444-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси ижро этувчи аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 16 нафар бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини харид қилиш ва лизингга бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**


Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 11 июль,
209-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 11 июлдаги 209-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси
ижро этувчи аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 16 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 11 июлдаги 209-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси
томонидан мелиорация техникаси, машиналари ва
бошқа механизациялаш воситаларини харид қилиш ва
лизингга бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси (кейинги ўринларда Лизингга берувчи деб аталади) томонидан мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини (кейинги ўринларда мелиорация техникаси деб аталади) харид қилиш ва лизингга бериш механизмини белгилайди.

2. Лизингга бериладиган мелиорация техникаси рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ–718-сон қарори билан ташкил этилган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

3. Мелиорация техникасини лизингга бериш Лизингга берувчи томонидан унга қарз асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) томонидан бериладиган маблағлар, шунингдек ўз маблағлари, бошқа жалб этилган маблағлар ёки бошқа манбалар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Мелиорация техникаси суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширувчи сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер хўжаликларига (кейинги ўринларда Лизингга олувчилар деб аталади) 10 йил муддатга лизингга қуйидаги шартлар билан берилади:

а) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни амалга оширувчи сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари учун:

лизингга берилаётган мелиорация техникаси қийматининг 15 фоизи аванс шаклида уларнинг ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

лизингга берилаётган мелиорация техникаси қийматининг 85 фоизи Лизингга берувчи томонидан, унга қарз асосида Жамғарма томонидан бериладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади;

б) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширувчи сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотлари учун лизингга

берилаётган мелиорация техникаси қийматининг 100 фоизи Лизингга берувчи томонидан, унга қарз асосида Жамғарма томонидан бериладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади;

в) мелиорация техникаси Лизингга олувчиларга фақат олинаётган техниканинг мулкый таваккалчиликларини лизингнинг бутун даври учун суғурта қилиш бўйича «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик компаниясининг суғурта полиси мавжуд бўлганда берилади;

г) Лизингга берувчининг даромад ставкаси (маржаси) лизинг шартномалари тузилиши санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5. Мелиорация техникаси Лизингга берувчи томонидан ўз маблағлари, бошқа жалб этилган маблағлар (унга қарз асосида Жамғарма томонидан бериладиган маблағлардан ташқари) ёки бошқа манбалар маблағлари ҳисобига лизингга берилганда лизинг муддати ва Лизингга берувчи даромади ставкаси (маржаси) лизинг шартномасида белгиланади.

6. Лизингга берувчи ҳар йили 1 августдан кечикмай, Лизингга олувчилардан олинган буюртманомалар асосида лизинг бўйича етказиб бериладиган мелиорация техникасига келгуси йилдаги эҳтиёж прогнозини шакллантиради.

Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилиш мўлжалланаётган мелиорация техникасига бўлган эҳтиёж прогнозидан келиб чиқиб Лизингга берувчи ва «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки (кейинги ўринларда Банк деб аталади) Жамғармага мелиорация техникаси харид қилишнинг прогноз ҳажмларини, шунингдек Лизингга олувчилар томонидан тўловлар амалга оширилишини ҳисобга олувчи келгуси йилда маблағларга бўлган эҳтиёж прогнозини (йил чораклари бўйича) тақдим этади.

7. Жамғарма мавжуд молиявий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда Лизингга берувчига лизинг операцияларини амалга ошириш учун келгуси даврга ажратиладиган пул маблағлари миқдори юзасидан кафолат хатлари тақдим этади.

Лизингга берувчи Жамғарма томонидан ажратиладиган пул маблағлари тўғрисидаги тасдиқланган кафолат хатлари асосида, мамлакатимиз ва чет эл корхоналарида ишлаб чиқариладиган мелиорация техникасини сотиб олади.

8. Мелиорация техникасини ўз маблағлари, шунингдек бошқа жалб этилган маблағлар (Лизингга берувчига қарз асосида Жамғарма томонидан бериладиган маблағлардан ташқари) ёки бошқа манбалар маблағлари ҳисобига сотиб олиш ҳам Лизингга берувчи томонидан амалга оширилади.

9. Лизингга бериладиган мелиорация техникасини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган таркибдаги Идоралараро тендер комиссияси томонидан тендер асосида аниқланади.

10. Лизингга берувчи келгуси йилга:

Жамғарма билан (мелиорация техникаси Жамғарма маблағлари ҳисобига сотиб олинган тақдирда) — мелиорация техникаси сотиб олиш учун молиявий ресурслар ажратиш юзасидан шартнома тузади. Бунда лизинг бўйича даромад (маржа) миқдори, шунингдек Лизингга олувчилар томонидан тўланадиган лизинг тўловларидан ушлаб қолиниши керак бўлган Лизингга берувчининг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори белгиланади;

етказиб берувчилар билан — Лизингга олувчининг буюртмасига мувофиқ мелиорация техникасини етказиб бериш юзасидан;

Банк билан — унинг томонидан молиявий агент функциялари бажарилиши юзасидан;

«Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик компанияси билан — суғурта агенти функцияларини бажариш юзасидан шартномалар тузади.

11. Лизингга берувчи Лизингга олувчилар билан мелиорация техникаси лизинги шартномаларини тузади. Ҳар бир шартномага лизинг тўловлари (асосий сумма плюс лизинг бўйича фоизлар) жадвали илова қилинади. Бунда шартноманинг битта асл нусхаси Банкка жўнатилади.

12. Мелиорация техникаси учун ҳақ тўлаш тартиби Лизингга берувчи билан етказиб берувчи ўртасида тузилган лизинг объектининг олди-сотди шартномасига мувофиқ тартибга солинади.

13. Мелиорация техникаси Жамғарма маблағлари ҳисобига сотиб олинган тақдирда Лизингга берувчи:

пул маблағлари ажратиш юзасидан Жамғармага буюртманомалар тақдим этади. Ушбу буюртманомалар асосида Жамғарма уч банк куни мобайнида келгуси давр учун пул маблағларини Жамғарма маблағлари билан операциялар учун мўлжалланган Лизингга берувчининг Банкдаги махсус ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда Операция ҳисоб рақами деб аталади) ўтказиши;

лизинг бўйича олинган фоизлардан тижорат агенти функцияларини бажариш учун шартномада белгиланган миқдорда ўзининг хизматларига тўланадиган тўлов ҳисобига маблағларни ушлаб қолади, Лизингга олувчилардан тушган сумманинг қолган қисмини уч кун муддатда Жамғарманинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиши;

ҳар бир календарь йил чораги тамом бўлгандан кейин 20 кундан кечикмай Жамғармага ўтган йил чораги учун Операция ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида Банк томонидан тасдиқланган ҳисоботни тақдим этади.

14. Лизингга олувчи (суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширувчи сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотларидан ташқари):

Лизингга берувчига лизингга олинадиган мелиорация техникаси қийматининг 15 фоизини аванс тўлови тарзида тўлайди;

лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ мелиорация техникаси қийматининг қолган 85 фоизини ва лизинг бўйича фоизларни лизинг муддати мобайнида Лизингга берувчига тўлайди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширувчи сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотлари лизинг муддати мобайнида мелиорация техникаси қийматининг 100 фоизини ва лизинг бўйича фоизларни лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ тўлайдилар.

Барча Лизингга олувчилар лизингга олинадиган мелиорация техникасини Лизингга берувчи фойдасига ўз маблағлари ҳисобига суғурта қилдилар.

15. Лизингга олувчилар лизинг тўловларини лизинг шартномаларида белгиланган муддатларда ва миқдорларда Лизингга берувчига тўлайдилар. Кўрсатиб ўтилган маблағлар тўлиқ миқдорда Лизингга берувчининг Операция ҳисоб рақамига ўтказилади.

16. Лизингга берувчи, Банк ва уларнинг бўлинмалари раҳбарлари Жамғарма маблағларидан, ўз маблағларидан ёки бошқа маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

17. Лизингга олувчи томонидан жадвалда назарда тутилган лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, Лизингга берувчи молия агенти орқали Лизингга олувчининг банк ҳисоб рақамига белгиланган тартибда бажарилиши керак бўлган тўлов талабномаларини тақдим этади. Лизингга олувчилардан тўлов талабномалари бўйича ундирилган пул маблағлари Лизингга берувчининг Операция ҳисоб рақамига ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 11 июлдаги 209-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 21 декабрдаги 266-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 12-сон, 73-модда):

а) 3-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «мелиорация техникаси» сўзларидан кейин «машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари» сўзлари қўшилсин;

олтинчи хатбошидаги «мелиорация техникаси» сўзларидан кейин «машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари» сўзлари қўшилсин;

б) 4-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

биринчи хатбошидан «ва унинг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин.

в) 6-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«6. Белгилаб қўйилсинки, мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширадиган сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашининг қарори асосида 10 йил муддатга лизингга куйидаги шартлар билан берилади:

а) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширадиган сув хўжалиги қурилиш ташкилотлари учун, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер хўжаликлари учун:

лизингга берилаётган мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари қийматининг 15 фоизи аванс шаклида уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади;

лизингга берилаётган мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари қийматининг 85 фоизи «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан, унга қарз асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан берилладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади;

б) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини амалга оширадиган сув хўжалигидан фойдаланиш ташкилотлари учун лизингга берилаётган мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари қийматининг 100 фоизи «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан, унга қарз асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан берилладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади;

в) мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини лизингга бериш фақат олинаётган техниканинг мулкӣ таваккалчилигини лизингнинг бутун даври учун «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик компанияси суғурта полиси мавжуд бўлганда амалга оширилади;

г) Лизингга берувчининг даромад ставкаси (маржаси) лизинг шартномалари тузилиши санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ортӣқ бўлмаслиги керак;

г) куйидаги мазмундаги 6-1-банд қўшилсин:

«6-1. Белгилансинки, «Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компанияси томонидан ўз маблағлари, бошқа жалб қилинган маблағлар (унга қарз асосида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан берилладиган маблағлардан ташқари) ёки бошқа манбалар маб-

лағлари ҳисобига мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини лизингга беришда лизинг муддати ва «Ўзmeliомаш-лизинг» давлат лизинг компаниясининг даромад ставкаси (маржаси) лизинг шартномасида белгиланади»;

д) 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «мелиорация техникасини» сўзларидан кейин «машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини» сўзлари қўшилсин;

е) 9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 11-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. «Ўзmeliомашлизинг» давлат лизинг компанияси «Маъмурий бино махсус сервис» давлат шўъба корхонасининг Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй манзилидаги биносига жойлаштирилсин»;

з) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 февралдаги 54-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган «Ўзmeliомашлизинг» давлат лизинг компанияси Уста-вида:

а) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Компаниянинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй»;

б) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолиятини оширадиган сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер хўжаликларига уларнинг буюртманомалари асосида мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситаларини харид қилиш ва бериш «Ўзmeliомаш-лизинг» давлат лизинг компаниясининг фаолият соҳаси ва асосий вазифалари ҳисобланади»;

в) 12-бандда:

иккинчи ва бешинчи хатбошидаги «сувдан фойдаланувчилар» сўзлари «сув истеъмолчилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ҳамда» сўзи «шунингдек лизинг Компаниясининг ўз маблағлари, жалб қилинган ёки бошқа маблағлар ҳисобига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 31-банднинг иккинчи хатбошидаги «ва унинг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 34-банднинг учинчи хатбошидаги «ижро этувчи директор ўринбосари ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сон ва «Агробанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сон қарорлари)» 2009 йил 20 майдаги 142-сон қарорига (Ўзбе-

кистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 5-сон, 37-модда) 1-илова 23-бандининг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–240-сон Қонуни)» 2011 йил 18 февралдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 12-модда) илова 7-бандининг «г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.